



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 2/3



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-2/3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Boymurodov Botir Panji o'g'li NORMA IJODKORLIGI JARAYONIDA FUQAROLAR ISHTIROKI TASNIFI.....	5
2. Khurramova Adolat Bakhodir kizi EXPERIMENTAL LEGAL REGIMES IN THE DIGITALIZATION OF LAW.....	13
3. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li XORIJIY MAMLAKATLARDA ISLOM MOLIYA HUQUQIGA DOIR QONUNCHILIK EVOLUTSIYASI.....	18
4. Абдуллаев Джамшид Джамилович МЕДИЦИНСКАЯ ПОМОЩЬ И МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ: ПРАВОВЫЕ РАЗЛИЧИЯ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ.....	25
5. Алимарданова Ирода Воҳид қизи ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН АСАРЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШ.....	32
6. Зокиров Шерзод Илхом ўғли ПРОКУРОР – МУХТАСИБНИНГ ПРОТОТИПИ СИФАТИДА (ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МИСОЛИДА).....	39
7. Abzalova Khurshida Mirziyatovna TIME OF COMMITTING A CRIME AND THE RETROACTIVE EFFECT OF THE LAW IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	47
8. Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли АЙРИМ МАСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ОБЪЕКТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	53
9. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich BA'ZI XORIJIY MAMLAKATLAR JINOYAT QONUNCHILIGIDA RETSIDIV JINOYATLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	60
10. Shamsidinov Zayniddin Ziyovidinovich CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS OF RECEIVING A BRIBE IN FOREIGN LEGISLATION.....	72
11. Суннатов Воҳид Тошмуродович МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	79
12. Баракайев Лазизжон Отақулович ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ.....	86



Алимарданова Ирода Воҳид қизи,
 Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
 Судьялар олий мактаби докторанти
 E-mail: alimardanovairoda@mail.ru

ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН АСАРЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШ

For citation: Alimardanova Iroda Vohid qizi. FREE USE OF WORKS FOR EDUCATIONAL AND SCIENTIFIC PURPOSES. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 2/3, pp. 32-38

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14950656>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф ҳуқуқи билан ҳимояланган асарларидан таълим ва илмий мақсадларда Ўзбекистон Республикаси муаллиқ ҳуқуқи доктринаси доирасида бепул фойдалани тартиблари ва унинг жамиятнинг ривожига аҳамияти тўғрисида муҳокама қилинади. Қолаверса муаллифлик ҳуқуқида асарлардан иқтибос келтириш тартиби ва буни амалга оширишда миллий ҳуқуқий тизимимизда учраётган камчиликлар ва уларнинг ечими, муаллифлик ҳуқуқида плагиат тушунчаси ва унинг таълим тизимидаги тутган муҳим ўрни тўғрисидаги турли олимлар фикр мулоҳазалари муҳокама қилинади. Қолаверса, бу мақсадга эришиш йўлида миллий қонунчилигимизда киритилиши керак бўлган ўзгариш ва таклифлар келтириб ўтилади.

Калит сўзлар: асарлардан таълимда эркин фойдаланиш, муаллифлик ҳуқуқи доктринаси, иқтибос тушунчаси, таълимда плагиат.

Алимарданова Ирода Воҳид қизи,
 Докторант Высшей школы судей при
 Высшем судебном советом Республики Узбекистан
 E-mail: alimardanovairoda@mail.ru

СВОБОДНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И НАУЧНЫХ ЦЕЛЯХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются процедуры свободного использования и его значение в развитии общества в рамках доктрины гражданского права Республики Узбекистан в образовательных и научных целях произведений, охраняемых авторским правом. Кроме того, в мнениях различных ученых обсуждается процедура цитирования произведений в сфере авторского права и недостатки, с которыми сталкивается при этом наша национальная правовая система, и способы их устранения, концепция плагиата в сфере авторского права и важная роль, которую он играет в системе образования. Кроме того, на пути к достижению

этой цели будут приведены изменения и предложения, которые следует внести в наше национальное законодательство.

Ключевые слова: свободное использование произведений в образовании, доктрина авторского права, концепция цитирования, плагиат в образовании.

Alimardanova Iroda Vohid qizi,

Doctoral student of the Higher School of Judges at
The Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan
E-mail: alimardanovairoda@mail.ru

FREE USE OF WORKS FOR EDUCATIONAL AND SCIENTIFIC PURPOSES

ANNOTATION

This article discusses the procedures of Free Use and its importance in the development of society within the framework of the doctrine of the Republic of Uzbekistan's copyright law for educational and scientific purposes from the works protected by copyright. In addition, the procedure for quoting works in copyright and the shortcomings encountered in our national legal system in doing so and their solution, the concept of plagiarism in copyright, and the important role it plays in the educational system are discussed in the opinions of various scientists. In addition, changes and proposals that should be introduced in our national legislation will be cited to achieve this goal.

Keywords: free use of works in education, copyright doctrine, concept of quotation, plagiarism in education.

“Таълим мақсадларида асарлардан эркин фойдаланиш” мавзуси, замонавий таълим механизмлари ва педагогик методикаларнинг муҳим компонентларидан биридир. Бугунги кунда глобаллашув шароитида рақамлаштириш ва электрон форматларда маълумотларни тарқатиш жараёнлари жадаллашмоқда, бу эса асарларнинг ўқувчиларнинг осонликча илм олиши билан таъминлайди. Таълимда турли хил асарларнинг чуқур ўрганиш, улар орқали тўғри хулосалар қилиш имконини беради. Ушбу мақолада муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материалларни муаллифлик ҳуқуқи эгаларига ҳақ тўламасдан ёки ва уларнинг руҳсати талаб этилмаган ҳолда нусхалашнинг руҳсат этилган чегарасини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Халқаро миқёсда таълим соҳасида асарлардан эркин фойдаланиш Берн Конвенциясида ўз аксини тошган бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи бўйича энг қадимги ва энг кўп қабул қилинган халқаро Конвенция ҳисобланиб, 10(2)-моддасида таълим ва тадқиқотлар учун муаллифлик ҳуқуқини чекловларини қўллашга имкон беради.[1]

Таълим мақсадида иқтибос келтириш ҳам албатта чоп этилган асардан келтирилиши лозим. Энг муҳими, Конвенция ўзининг 9(2)-моддасида иштирокчи давлатларга муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарларни махсус ҳолатларда уларнинг миллий қонунчилиги асосида агар бундай такрор ишлаб чиқариш асарларнинг нормал эксплуатациясига зид келмаса ва муаллифнинг қонуний манфаатларига асоссиз зарар етказмаса репрографик такрорлаш йўли билан фойдаланишга руҳсат бериш ҳуқуқини беради. Муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ бошқа халқаро конвенциялар алоҳида моддалар орқали таълим ва тадқиқот учун муаллифлик ҳуқуқларини чекалашни зикр этмасда, аммо Берн конвенциясида келтирилган истисноларни инкор ҳам этмайдилар. Масалан, Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битимнинг 13-моддаси ("TRIPS шартномаси")[2] жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзоларига махсус ҳолатларда муаллифлик ҳуқуқидан истисно қилиш имкониятини беради. Берн Конвенциясидаги каби шартлар, яъни истиснолар асарларнинг нормал эксплуатациясига зид келмаслиги ва муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг қонуний манфаатларига асоссиз зарар етказмаслиги керак. Шундай қилиб, ушбу конвенцияларга аъзо давлатларга муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг ҳуқуқларини ҳар қандай истисно қилишга руҳсат берилади, шу жумладан таълим ва тадқиқот учун ҳам.

Бирок, қоидада бундай фойдаланиш адолатли ва ҳалол бўлиши ва ҳимояга эга асар нусхаси таълим мақсади учун асосланганидан кўп бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган тарзда фойдаланиш кўзда тутилган.

Европа доирасида қарайдиган бўлсак, №2001/29/ЕСнинг 05/22/2001 “Ахборотлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг айрим жиҳатларини уйғунлаштириш тўғрисида”ги директиванинг “е” бандига мувофиқ, Европа Иттифоқи Аъзо давлатлари махсус муаллифлик ҳуқуқларига нисбатан истисно ва чекловларни таъминлаш ҳуқуқига эгадирлар. Хусусан, бу каби чекловларга, олинган манбани кўрсатган ҳолда ва муаллифнинг исми-шарифига мурожаат қилиб, танқид қилиш ёки бўлмаса тадқиқ қилиш мақсадида қонуний равишда нашр этилган асарлардан иқтибослар олиш киради. Албатта, иқтибослар белгиланган тартибда ва ушбу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган даражада амалга оширилиши керак.[3]

Ўзимизнинг миллий қонунчилигимизга тўхталадиган бўлсак, асарлардан илмий ва тадқиқот мақсадларида фойдаланиш тушунчалари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида эмас, балки “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 26-модданинг 2-қисмида шу каби жумлалар орқали ўз ифодасини топган: “Ошкор қилинган асарлардан асл нусхада ва таржимада илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида кўзланган мақсадга мос ҳажмда иқтибос олиш, шу жумладан газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш. Шунингдек, ушбу моддани 3-қисмида: “ошкор қилинган асарлардан ёки бундай асарларнинг парчаларидан таълим ва ўқув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда, овозли ва видео ёзувларда кўзланган мақсадга мос ҳажмда мисоллар тартибда фойдаланиш” каби тушунчалар қонунимизда ўз аксини топган.

Миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий норманинг таҳлили бир қатор хулосалар чиқаришга имкон беради:

- келтирилган муаллифлик ҳуқуқи объекти қонуний равишда ошкор қилинган бўлиши керак;
- кўрсатилган ҳолларда асардан фойдаланиш учун муаллиф ёки муаллифлик ҳуқуқи эгасининг розилигини олиш ёки у билан муаллифлик шартномасини тузиш шарт эмас;
- таълим ва ўқув мақсадларида бепул фойдаланганлик учун ҳақ ундирилмаслиги;
- асарнинг асл нусхасидан ҳам, таржимасидан ҳам фойдаланишга рухсат этилиши.

Асар ёки унинг парчасидан эркин фойдаланиш учун бир қатор шартлар ҳам бажарилиши кўзда тутилган: муаллифнинг исми ёки тахаллусини кўрсатиш (агар муаллиф тахаллус остида ижод қилса), олинган манбаини албатта кўрсатган ҳолда, ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шартларини ўз ичига олади. Асарлардан илмий ва ўқув мақсадларида бепул фойдаланиш усуллари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида эмас, балки “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида 2-3-бандларида илмий ва ўқув мақсадларида муаллифнинг розилигисиз асарлардан бепул фойдаланишнинг икки ҳил шакли кўзда тутилган: иқтибос келтириш шаклида ва матбуот шарҳлари шаклида эркин такрорлаш. Иқтибос одатда фойдаланилаётган асар ёки унинг қисмидан бошқа муаллифлик ҳуқуқи объектида: таржимада, илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ҳамда реклама билан боғлиқ бўлмаган ахборот мақсадларида кўзланган мақсадга мос ҳажмда фойдаланишни англатади. Иқтибос келтирилаётган қисми асл ҳолича, унга бирор бир ўзгартиришлар киритилмасиз фойдаланиш лозим. Масалан, адабий асарларда иқтибосни қўштирноқ ичида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида эмас, балки “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида 3-матнида қонун чиқарувчи газета ва журналлардаги мақолалардан парчаларни матбуот шарҳлари шаклида такрорлаш кўринишидаги матбуот шарҳлари иқтибоснинг бир тури сифатида кўрсатади. Бирок, бу тур қонун чиқарувчи томонидан нима сабабдан алоҳида

ажратилган. Бунинг сабаби шундаки, бундай бепул фойдаланиш усули янги муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланадиган асарнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин (матбуот объектларига қўшимчалар киритиш билан муаллиф ўзининг фикрини баён қилиши ва ҳоказо.) ёки газета ёки журнал мақолаларининг турли парчаларини оддий такрорлаш учун ишлатилади.

Албатта, асардан ҳар қандай фойдаланишда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари — муаллифлик ҳуқуқи, исмга бўлган ҳуқуқ, асарнинг дахлсизлиги ва бузилишлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳимоя қилинади. Бироқ, бепул ва эркин иқтибос бўйича қонданинг амалий қўлланилиши кўпинча қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки миллий қонунчилигимиз бўйича фуқаролик кодексида ёки “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунимизда “иқтибос” тушунчасининг таърифи ҳам, уни тўғри лойиҳалаш тартиби ҳам йўқ. Ва натижада саволлар туғилади. Хусусан иқтибос сўзини фақат бадиий асарлар парчаларига талқин қилиш зарурми ёки тасвирий санъат асарлари ва фотосуратлар, кино кадрларининг ҳар қандай парчаларини кўпайтириш ҳақидами?

Юқоридаги ҳолатга мос тушувчи суд қарорларини амалиётда учратдик ҳам, ушбу жараёни ўрганишимиз оқибатида бир муоммовий вазиятни мисол қилиб келтира оламиз. Келинг уни бирга кўриб чиқамиз. Даъвогар фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига мурожаат қилиб “Тонг Хива Ичан қалъа” фотосурати 2023 йил 10 февралда депонентланганлигини, ушбу фотосурат 2016 йилда нашриётдан чиқарилган “10 причин посетить Узбекистан” китобида нашр этилганлигини, шунингдек ушбу фотосурат интернет сайтларда ҳам мавжуд эканлигини, даъвогарнинг муаллифлик ҳуқуқлари бузилганлигини билдириб, даъво талабини қаноатлантиришни сўраган. Жавобгар эса даъво талабини тан олмасдан “Тонг Хива Ичан қалъа” фотосурати интернет сайтларда мавжудлигини, ошкор қилинган фотосурат эканлигини, фотосуратни муҳофаза белгилари мавжуд эмаслигини, қонун талабига кўра бундай фотосурат учун муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилишини билдириб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилишни сўраган.

Суд, юқорида қайд этилган иш ҳолатлари ва қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, гарчи фотосурат муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлса-да, ушбу асар ошкор қилинганлигини, **муаллифлик ҳуқуқлари қонунда белгиланган тартибда муаллиф томонидан муҳофаза қилинмаганлигини**, шунингдек фотосурат ошкор этилганлиги сабабли асар муаллифининг розилиги талаб қилинмаслигини, ҳамма бемалол бора оладиган жойда доимий жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга қонун билан йўл қўйишини инobatга олиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад қилишни лозим топган.[4] Ва ниҳоят, Урганч фуқаролик судининг хулосасига келадиган бўлсак, бу ерда судьянинг бир эмас бир неча хатолигига дуч келишимиз мумкин.

Биринчидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси 1041-моддаси 2-бандига кўра муаллифлик ҳуқуқи бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади. **Иккинчидан** агар жавобгарнинг фикри бўйича ушбу фотосуратдан эркин фойдаланилган дея ҳисоблайдиган бўлсак, уни албатта иқтибос келтириш тартибига риоя қилинганлиги қоидаларини ўрганиб чиқиш лозим эди. Яъни фотосуратдан жавобгар фойдаланаётганда асар чоп этилган манбаини кўрсатганлиги, муаллифнинг исми-шарифини ҳам келтириб ўтиши зарурлиги қоидаларига судья томонидан аниқлик киритилмаган. Бунда судьянинг эмас, балки қонунларимизга иқтибос келтириш қоидаларининг тартиби ва иқтибос объектларига аниқлик киритилмаганлиги асосий муоммолардан бирига айланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Россия давлати тажрибасини бу борада ўрганиб чиққанимизда ҳам худди шу каби муоммолар борлиги ва бунинг ечими сифатида Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 98/04/23/2019 йилдаги 10-сонли “Россия Федерацияси фуқаролик кодексининг тўртинчи қисмини қўллаш тўғрисида” ги қарорининг 10-бандида “ҳар қандай муаллифлик ҳуқуқи объектдан иқтибос келтирилишига рухсат берилади” деган жумланинг қонунчилик

тизимда киритилиши ҳар қандай муоммога чек қўйди.[5] Шу билан бирга, асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шартларига риоя қилинган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади, эркин фойдаланиш фақат иқтибос келтириш мақсадига мос оқилона даражада бўлиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, турли хил интернет тармоқларида жойлаштирилган маълумотлардан иқтибос келтиришда, шунингдек, қонунда белгиланган қоида асосида ҳаракат қилиш керак, яъни муаллифнинг исми, фойдаланилган асар номи, нашр этилган санаси (агар маълум бўлса), шунингдек веб-сайт манзилени албатта кўрсатиш керак. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти луғати иқтибосни қуйидагича таъриф билан изоҳлайди: “Муаллифнинг ўз баёотларини янада тушунарли тарзда намоиш этиши ёки бошқа муаллифнинг қарашларига мурожаат қилиш учун бошқа асардан нисбатан қисқа парча келтирилиши”.[6] “Нисбатан қисқа парча” тушунчаси эса бу ерда баҳолаш тоифаси бўлиб, аъзо давлатларга ишончли кўрсатма бўлиб хизмат қилиши қийин, чунки иқтибос келтириш даражаси қанча сўз, фотосуръат ёки мусиқий иборалардан фойдаланиш мумкинлигига етарлича изоҳ берилмаган. Албатта, ушбу масалага турли хил ёндашувлар турли мамлакат қонунларида турлича тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига юзланадиган бўлсак, уларнинг баъзилари аниқ иқтибос чегараларини ўзининг қонунчилигида белгилаб қўйган. Масалан, АҚШда келтирилган қисқа матннинг 5% дан кўп бўлмаганидан бепул фойдаланиш асардан нормал фойдаланилиш ҳисобланади. Англияда битта қўштирноқ ичидаги гап эса 300 сўздан ошмаслиги керак (ва умуман олганда эса, битта асарда 800 дан ортиқ сўзлардан фойдаланишга рухсат берилади).[7] Ҳозирги вақтда эса миллий қонунчилигимизда муаллифга ушбу вазиятда маълум бир эркинлик ва фойдаланилган ҳимояга эга асарларнинг парчалари сони ва ҳажмини мустақил равишда аниқлаш имкониятини бермайди. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, иқтибослар ўз матндан устун келмаслиги керак, уларнинг вазифаси муаллифнинг тезисларини тасвирлаш, унинг позициясини мустаҳкамлаш ва ҳоказолардан иборатдир.

Агар муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши мумкинлиги тўғрисида низо келиб чиқса, у суд томонидан аниқ ишнинг ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, экспертларнинг хулосалари ва бошқа фактларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Вазият фотосуръатлар ва тасвирий санъат асарларига иқтибос келтиришда биров мураккаброқ тус олади, чунки бундай асарларнинг парчалари ҳам иқтибос, ҳам иллюстрация сифатида ишлатилиши мумкин.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор, иқтибос келтирилган парчанинг муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланадиган ҳажмга мос тушмаслиги муоммоси. Мисол учун бир шоир ўзининг яратган шеърида тўрт қатор гапдан фойдаланган ҳолда шедевр яратди. Аммо бу муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланиш даражасини аниқлаш учун жуда оз эмасми? Ушбу мантиқ асосида нима сабабдан баъзи мамлакатларда *de minimis* талаби муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарларга нисбатан қўлланилишини тушуниш мумкин. *De minimis* талаби асарни бошқа асарлардан ажратиш ва унда муаллифнинг шахсий ҳиссасини кўриш учун маълум бир танқидий ҳажмга эришиши керак бўлган асарга қўйилган шатрдир. *De minimis* қоидалари, масалан, белгилар номлари, қисқа шиорлар ёки сарлавҳалар каби асарларга мос келмаслиги мумкин. Агар иш ҳажми жуда кичик бўлса, унда ижодий фаолиятни аниқлаш тобора қийинлашиши мумкин.

Ижодий фаолият натижаларини мустақил ва ҳимоя қилиниши мумкин деб тан олиш учун ижодкорлик даражасини баҳолашнинг турли мезонларидан фойдаланишни қонунчиликка киритиш зарур, шунингдек ўзига ҳослик (оригиналлик мезонлари) таърифини ҳам миллий қонунчилигимизда белгилаш лозим.

Кейинги долзарб мавзулардан яна бири бу тўғри иқтибос келтириш қоидаларини англамай, унинг қонунчиликдаги тартибини тушунмай туриб ва натижада плагиат яъни ўзганинг ижодкорлик билан яратган асарини ўзлаштириб олиш муоммолари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз даркор. Бу каби муоммолар амалиётда айниқса таълим мақсадларида юритилаётган фаолият давомида жуда кўп мартаба учрайди. Ўзбекистонда плагиатга қарши

фақат ахлоқ қоидалари асосида чоралар кўрилади. Кўшма Штатлар ва дунёнинг бошқа баъзи ривожланган мамлакатлари қонунчилигида кўзда тутилган плагиатга қарши кураш бўйича қатъий чоралар ушбу соҳадаги санкцияларнинг самарадорлигини исботлайди. Плагиатга қарши самарали кураш олиб бориш учун миллий қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқишлиши лозим.[8]

Плагиатга қарши курашнинг турли воситаларидан фойдаланилишга қарамай, ноқонуний нусха кўчиришнинг давом этиши асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Европа ва АҚШ давлатлари плагиатни текшириш учун сунъий интеллект дастурларидан тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар.[9] Ўзгартирилган матннинг энг жиддий ниқобланган, ўзгартирилган шакллари аниқлаш учун Ўзбекистон қонунчилигига диссертациялар ва бошқа илмий ишларда плагиатни аниқлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланишни мажбурийлиги ҳақидаги нормани киритиш зарур дея ҳисолайди диссертант.[10] Бу фикрга биз ҳам қўшиламыз, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликнинг камчиликлари, унда юқоридаги қоидаларнинг тартиби белгиланмаганлиги жуда кўплаб муоммоларни юзага келтиради. Қонун чиқарувчининг эътибори бу соҳасага қаратилиши оқибатида, суд ҳокимиятидаги судьяларнинг иштини бироз осонлаштиради, уларнинг гарданига юклатилган адолат мезонини аниқлаш бироз бўлсада осонлашар эди.

Юқоридаги фикрларимизни жамлаган ҳолда миллий қонунчилигимизга бир неча таклиф киритиш тарафдоримиз:

- “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунимизда “иктибос” тушунчасининг таърифини киритиш, яъни қонунда алоҳида “Иқтибос келтириш” номи остидаги модданни қўшган ҳолда, қуйидаги жумлалар билан “Муаллифнинг ўз баёноларини янада тушунарли тарзда намойиш этиши ёки бошқа муаллифнинг қарашларига мурожаат қилиш учун бошқа асардан нисбатан қисқа парча келтирилиши” тўлдириш;

- уни тўғри лойиҳалаш тартиби ва иқтибос келтиришга нисбатан қонунчиликда руҳсат этилган ҳажм даражаларини киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023-йил 23-июндаги “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 19-сон қарорини қуйидаги жумла билан тўлдириш таклиф қилинади: “Судларга муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган асарлардан иқтибос келтириш деганда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг барча турларига иқтибос келтирилиши мумкинлиги тушунтирилсин”;

- Миллий қонунчилигимизда плагиат тушунчасига таъриф бериб ўтилиши ва унинг қонунчиликга кўра жазонинг муқаррар эканлиги чоралари кўрилиши;

- Ижодкорнинг меҳнати асосида яратилган асарга нисбатан оригиналлик мезонларини аниқлаш бўйича қонун–қоидаларнинг киритилиши таъминланши керак (de minimis қоидалари).

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Berne Convention, supra note 2, at art. 10(2).
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, (Civil Code of the Republic of Uzbekistan).
3. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун, (Copyright and Related Rights Act).
4. Understanding the WTO: What We Stand For. Дата обращения: 15 декабря 2012. Архивировано 1 марта 2017 года.
5. Европа парламентининг 2001/29/ЕС директиваси, 22 май 2001 йил. "Ахборотлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг айрим жиҳатларини уйғунлаштириш тўғрисида.(European Parliament directive 2001/29/es, 22 May 2001. "On the harmonization of certain aspects of copyright and related rights in an informed society).
6. <https://public.sud.uz/report/CIVIL>.

7. Е.А. Звегинцева, «Свободное цитирование: пределы и возможности», кандидат юридических наук, журнал правовые аспекты.(Е.А. Zvegintseva, "Free citation: limits and possibilities", Candidate of Law, journal Legal Aspects).
8. WIPO Glossary of terms of the law of Copyright and neighboring rights, "Quotation from a work", 213 pages.
9. http://www.aselibrary.ru/press_center/journalimm-1925/hr19255567/irt492555675571/Irr4925556755715577).
10. Юсупов Жасурбек Мелсович – “Плагиатга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий шакллари ва Воситалари” фалсафа доктори диссертацияси автореферати, 12-бет.(Yusupov Jasurbek Melsovich-author of the doctoral dissertation "Civil-legal forms and means of combating plagiarism", P. 12).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 2/3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000